



Агар Библияга ишонилса, подшоҳ Сулаймон (алайҳиссалом) шубҳасиз бекиёс бой бўлган. Учинчи Подшоҳлар китобида шундай дейилади: «Сулаймон (алайҳиссалом)га хар йили келиб турадиган олтиннинг огирлиги олти юз олтмиш олти талант эди...» Турли хил кимматбаҳо металллар, тошлар ва бошқа нафис ҳамда нодир буюмлар хақидаги тавсифлардан маълум бўладики, Сулаймон (алайҳиссалом) уларни олис юртлардан олиб келтирган. Миср барельефида Сулаймон ибодатхонаси ва саройидан Саво маликаси Билкиснинг ўринбосари, Миср фиръавни Тутмос III томонидан ўгирлаб олинган бекиёс хазиналар акс эттирилган.

Хозирги ҳисоб-китобларга кўра, ушбу хазиналарнинг катта қисми, Учинчи Подшоҳлар китобида ва солнома ёзувларида келтирилган рўйхатларга мувофиқ, мис ёки бронзадан ясалган бўлган. Негев чўлида кенг кўламда мис казиб олиш ишлари олиб борилган, ва яқинда у ердан топилган Тутмос III га тегишли Миср ёзуви шу жойда мана шу вақтда мис ишлаб чиқариш фаол бўлганини тасдиқлайди (Великовский томонидан қайта кўриб чиқилган хронологияга кўра).

Шунга қарамай, афсонавий конларнинг жойлашуви хали ҳам сирли қолмоқда. Библия баъзи қизиқарли, аммо жуда нозик йўл-йўриқларини беради. Унда икки жой номланади — Офир ва Фарсис. Офирдан олтин келган, Фарсис эса шу олтин ортидан юборилган кема билан боғланган. Учинчи Подшоҳлар китобида шундай дейилади: «...ва улар Офирга йўл олишди, у ердан тўрт юз йигирма талант олтин олиб келишди ва подшоҳ Сулаймон (алайҳиссалом)га олиб келишди». Офирдан олтин олиб келган кема Саво маликаси Билкис ташрифи пайтида яна тилга олинади; у «Офирдан кўп миқдорда қизил дарахт ва кимматбаҳо тошлар» олиб келган.

Шу тариқа, Библия Офир қаерда жойлашгани хақида аниқ маълумот бермайди, у фақат

бундай жой борлигини тасдиқлайди. Фарсис билан боглик матнлар аввал карашда бироз фойдали кўринади, чунки айримларида Фарсисга йўл олган кемалар хакида, бошқаларида эса Фарсисдан келган кемалар хакида сўз боради. Учинчи Подшоҳлар китобидан маълум бўлишича, Сулаймон (алайхиссалом) экспедицияларини Финикияликлар билан ҳамкорликда юборган, уларга Тир подшохи Хиром I ҳукмронлик килган. Кемалар Кизил денгизнинг Ециони-Гавер портидан чикиб кетган. Инжилда айтилишича, Сулаймон (алайхиссалом)нинг денгизда «...Фарсис кемаси Хиром кемаси билан бирга эди; хар уч йилда бир марта келиб турадиган Фарсис кемаси олтин, кумуш, фил суяги, маймунлар ва товусларни олиб келарди».

Аммо Фарсис каерда эди? Хизкиёл ёзганки, финикияликлар у ерда кумуш, темир, дарахт ва кўргошин савдоси билан шугулланган. Сулаймон (алайхиссалом)дан тахминан юз йил ўтиб, Исроил бойлиги анча камаганида, Яхудо подшохи Ёшофот Ециони-Гавердан Офирга етиб боришга уриниб кўрган, аммо бўрон кемаларни портнинг ўзидаёқ йўқ килган. Фарсис хакидаги яна бир библиявий маълумот Юнус пайгамбар китобига тегишли: у шу жойга кочишга уринган, аммо бу машхур воқеа содир бўлган. Аммо у адашиб, ўша пайтдаги Оврупа денгизида жойлашган Йоппия портидан йўл хаки тўлаган. Шундай килиб, учта тахмин пайдо бўлади:

1. «Фарсис» деб номланган бир нечта жойлар бўлган, (бошқа маънода «кайнатувчи завод» — яъни руда казиб олиш ва кайта ишлаш манбалари), ва эҳтимол улардан товарлар ташиш учун махсус юк кемалари тури билан боғланган бўлиши мумкин.
2. Юсуф Флавий, милодий I асрда яшаган яхудий тарихчиси, бу сўзни Рим даврида машхур бўлган Тарсис порти билан бир деб ҳисоблайди. Унинг Сулаймон (алайхиссалом) кемалари хакидаги фикри шундай: «...подшоҳнинг Тарсис денгизида кўплаб кемалари бор эди, у эса уларни энг олис юртлардан турли хил моллар олиб келишга буюрди». Бу биринчи назарияга зид келмайди, агар Сулаймон (алайхиссалом)да Фарсис (ёки Тарсис) кемаси бўлиб, уни турли конлар ва заводларга юборган деб ҳисобласак.
3. Фарсис — бу Тартесс; у кадимги давлат бўлиб, ҳозирги Испаниядаги Кадис шаҳри яқинида жойлашган, ва кадимги юнонлар томонидан кумуш бойлик манбаи деб таърифланган. Маълумки, финикияликлар Испания билан савдо килган ва кейинчалик у ерни мустамлака килган, шунинг учун Тартесс Сулаймон (алайхиссалом)га етказиб берилган минералларнинг манбаси бўлиши мумкин эди.

Бирок бу уч назариянинг ҳеч бири етарлича ишончли эмас. Тарсис, шубҳасиз, Кора денгиз киргогидаги руда манбалари юбориладиган нукта бўлиши мумкин эди, ва Тартесс ҳам ўз кумушини етказиб берган бўлиши мумкин. Лекин маймунлар, фил суяги, товуслар ва кора танли одамларчи? Испания ҳам, Тарсис ҳам бундай товарларнинг манбаи бўла олмас эди. Ва нега Сулаймон (алайхиссалом) кемаларига ушбу жойларга бориб келиш учун бутун уч йил керак бўлган?

Фарсис сўзининг маъноси ноаниқ, ва агар у жой номи бўлса, эҳтимол у анча узокда жойлашган, ва эҳтимол сўз бир жойни эмас, балки бир нечта жойларни англатган. Саудия Арабистонидаги Махд-ад-Захаб ҳудудида археологлар Сулаймон (алайхиссалом) даврида фаол бўлган улкан олтин конини аниқлашган. Эҳтимол, шу жой Офир бўлган, ва у ерга «Фарсис кемаси Хиром кемаси билан» борарди.

Эндиликда, нодир товарларга келсак, Тартесс жойи эҳтимол Африка атрофида айланиб ўтиладиган хавфли денгиз сафарлари ва тахминан Америкага кадар бориладиган йўлларнинг бошлангич нуктаси бўлган бўлиши мумкин. Кадимги юнон тарихчиси Геродот хикоясига кўра, тахминан милoddан аввалги 600 йилларда финикияликлар Кизил

денгиздан жанубга чикиб, Африканинг атрофини айланиб, Якин Шаркга қайта келишга муваффақ бўлишган. Бу юзасидан қадимги тарихчиларда ҳеч қандай шубҳа бўлмаган. Уларнинг йўли Гибралтар бўғозидан, Тартесс яқинидан ўтган. Бундай сафарлар Сулаймон (алайхиссалом) даврида ҳам амалга оширилган бўлиши мумкин, улар давомида кемалар маймунлар, фил суяги, товуслар ва қора танли одамлар билан бирга Тартесс қумушини ҳам олиб келишган. Шу тарзда бундай сафарлар, умуман, шу ном билан — «Фарсис сафарлари», ва бу сафарларда қатнашган кемалар тури эса «Фарсис кемалари» деб аталган бўлиши мумкин.

Бирок бу ҳақда яна бир назария ҳам мавжуд — бу аввалги назарияга муқобил ёки уни тўлдирувчи сифатида қаралиши мумкин. Бир қатор далиллар шуни кўрсатадики, шу даврда Янги Дунё (Америка)га бошқа қитъалардан одамлар ташриф буюрган бўлиши мумкин. Уларнинг йўли аксинча — Ўрта Ер денгизидан Атлантика томон, Геркулис устунлари орқали бўлган бўлиши мумкин.

Сулаймон (алайхиссалом)нинг афсонавий қонлари қаерда жойлашгани борасида жуда кўп назариялар илгари сурилган. Қадимги денгизчиларнинг навигация имкониятлари ҳақидаги янги қарашлар, улар Марказий ёки Жанубий Америкада жойлашган бўлиши мумкин, деган тахминни қатта эҳтимол билан илгари суриш имконини беради.

Абу Муслим тайёрлади